

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар  
киритиш юзасидан таклифларни шакллантириш ва ташкилий чора-  
тадбирларни амалга ошириш бўйича Конституциявий комиссия раиси  
Акмал Холматович Саидовга  
Хоразм Маъмун академияси олимлари номидан  
МУРОЖААТИ**

**КОНСТИТУЦИЯГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ – ЗАМОН ТАЛАБИ**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 1992 йилнинг 8 декабрида Республика Олий Кенгашида қабул қилинган эди. Конституция билан давлат ва жамият ривожланишининг демократик тамойиллари белгилаб қўйилган. Республикада рўй бераётган демократик ўзгаришлар давомида Конституцияга ҳам ўзгаришлар киритиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ҳозирги кунга қадар 14 марта ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев **Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш киритиш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан Конституциявий комиссия** аъзолари билан учрашувда *“Сўнги йилларда фуқароларимиз томонидан амалдаги Конституцияни янада такомиллаштириш бўйича кўплаб таклиф ва мулоҳазалар билдирилмоқда. Хусусан, ўтган йили Президент сайловолди учрашувларида сайловчилар томонидан Асосий қонунимизни бугунги ҳаёт талабларига мос ҳолда янгилаш масаласи кўтарилган эди. Сайловчиларимизнинг шу борадаги хоҳиши ва истакларини амалга ошириш учун Олий Мажлис палаталари томонидан Конституциявий комиссия тузилиб, фаолият бошлади. Қисқа даврда Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди”*, дея таъкидлаган эди.

Бугунги кунда ахборотлашган, ҳуқуқий-демократик жамият шиддат билан ўзгариб бормоқда. Буни ҳар бир жабҳада сезиш мумкин. Айниқса,

замона зайли билан кўплаб қонунларнинг эскириши ва бугунги кун талабига жавоб бермай қолиши натижасида уларнинг ўрнига жамиятимиз ривожига муносиб меъёрий асос вазифасини ўтовчи янги қонун лойиҳаларининг ишлаб чиқилиши ва халқ муҳокамаси асосида қабул қилиниши қувонарли ҳол. Асосий қомусимиз – Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўзгартиришга оид Қонун лойиҳасининг халқ муҳокамасига қўйилиши ҳам шу жуладандир. Юртбошимиз **“Ҳозирги таҳликали замон, ён-атрофимиздаги мураккаб вазият она Ватанимиз тақдирига янада улкан масъулият билан ёндашиб, кечиктириб бўлмайдиган стратегик қарорлар қабул қилишни тақозо этмоқда”** деб конституцияга ўзгартириш киритиш зарурати қанчалик муҳим эканлигини аниқ ва равшан аниқлатди.

Шу муносабат билан айни дамгача юртимизнинг бугуни ва келажаги ҳақида қайғурган ҳар бир шахс борки, конституцияга ўзгартириш киритиш борасида ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдириб келмоқда. Хоразм Маъмун академияси жамоаси ҳам ушбу муҳокама жараёнидан ҳоли қолгани йўқ. Бир қанча олимларимиз ўз фикрлари билан қонун лойиҳаси муҳокамасида иштирок қилиб келмоқда. Бугунги кунда фан ва таълимнинг кучли интеграцияси ҳамда юқори даражада ўсиш суратлари кузатилмоқда. Шу сабабдан бу борада ҳам янги нормалар қабул қилиниши эҳтиёжи мавжуд эди. Хусусан, олим ва педагогларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг меъёрий-ҳуқуқий тизими мустаҳкамланиши зарурати мавжуд эди. Бу ҳақида юртбошимиз ҳам алоҳида таъкидлаб: **“Улуг аجدодларимизнинг янги баркамол авлодини тарбиялаб вояга етказмоқчи эканмиз, бунинг учун *боғча, мактаб, олий таълим ва илм-фан соҳаларини устувор тараққий эттиришни конституциявий даражада мустаҳкамлаб қўйишимиз шарт.***

***Бош қомусимизда давлат мактабгача таълим, мактаб ва олий таълим тизимини, турли мулк шаклидаги, жумладан, хусусий таълим муассасаларини ривожлантириш учун зарур шароитлар яратиб бериши билан боғлиқ нормалар ҳам бўлиши лозим.***

*Устозга бўлган юксак эҳтиром Конституциямизда ўз ифодасини топиши зарур. Шунингдек, педагог ходимларнинг касбий фаолиятига аралашиш, уларнинг хизмат мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилишга йўл қўйилмаслигини Конституция даражасида белгилаб қўйсақ, ўйлайманки, адолатдан бўлади"* дея таклиф билдирди.

Ушбу таклиф юзасидан асосий қонунимизга ушбу мазмунда янги таҳрирдаги моддалар киритилиши кутилмоқда:

**«41-модда.** Ҳар ким таълим олиш ҳуқуқига эга.

Давлат мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантиришга кўмаклашади.

Давлат ҳар бир боланинг умумий ўрта таълим ташкилотларига ўқишга кириши учун мажбурий бир йиллик тайёргарликдан ўтишга бўлган ҳуқуқини кафолатлайди.

Бепул умумий ўрта таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Умумий ўрта таълим мажбурийдир.

Мактаб ишлари, мактабгача таълим ва тарбия давлат назоратида бўлади.

Таълим бўйича алоҳида эҳтиёжларга ва индивидуал имкониятларга эга бўлган болалар учун таълим ташкилотларида инклюзив таълим ва тарбия ташкил этилади.

Давлат истеъдодли ёшларнинг моддий аҳволидан қатъи назар, таълимни давом эттиришини кафолатлайди.

Давлатга қарашли, хусусий ва бошқа шаклдаги таълим муассасалари ҳамда ташкилотларини ривожлантириш учун давлат тенг шарт-шароитлар яратади.

Педагог ходимларнинг мақомини ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш жамият ва давлатнинг мақсади ҳамда масъулиятли вазифасидир.

Педагог ходимларнинг касбий фаолиятига аралашишга, шунингдек уларнинг хизмат мажбуриятларини бажаришига монелик қилишга йўл қўйилмайди. Шунингдек, ушбу модда қуйидаги мазмундаги **41<sup>1</sup>-модда** билан

тўлдирилиши белгилаб кўйилди. «Хар ким давлат таълим ташкилотларида танлов асосида бепул олий маълумот олишга ҳақли.

Олий таълим ва илмий-тадқиқот ташкилотлари қонунда белгиланган доирада ўзини ўзи бошқариш, академик эркинлик, шунингдек, тадқиқотлар ўтказиш ва ўқитиш эркинлиги ҳуқуқига эга.

Давлат илм-фанни ривожлантиришга, жаҳон илмий ҳамжамияти билан илмий алоқалар ўрнатишга кўмаклашади»

Юқоридаги таклиф этилаётган моддалар таҳлилидан кўришиб турибдики, фуқаро ҳуқуқи ва эркинликлари, шахс дахлсизлиги, фуқаролик жамияти институтлари, ижтимоий ҳимояга оид янги таҳрирдаги моддалар, фан ва таълим соҳасига оид 41-модданинг янги таҳрири ҳамда 41<sup>1</sup>-модданинг киритилиши Инсон қадрли устувор бўлган Янги Ўзбекистонни барпо этишда муҳим аҳамият касб этади. Шу жумладан, суд-ҳуқуқ тизимини мукамаллаштириш, моддий-маданий меросимизни асраб-авайлаш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколати беш йилдан етти йилга узайтирилиши ҳақидаги 90-модданинг янги таҳрири, қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти борасидаги янги таҳрирдаги моддалар ҳам олимларимиз томонидан бир овоздан маъқулланмоқда.

Абдуллаев И.И. Хоразм Маъмун академияси (ХМА) раиси, б.ф.д., проф.

Дурдиева Г.С. лаборатория мудирли, арх.ф.д.

Хасанов Ш.Б. ХМА илмий ишлар бўйича раис ўринбосари, к.ф.н.

Рўзметов Д.Р. ХМА илмий котиби, г.ф.н.

Султанов Х.Қ. ХМА умумий ишлар бўйича раис ўринбосари

Юсупов А.С. ХМА ҳуқуқшунос

Махмудов Р.Б. Ижтимоий гуманитар фанлар бўлими бошлиғи, ф.ф.д.

Матякубов З.Ш. ХМА лаборатория мудирли, б.ф.ф.д.

Ганджаева Л.А. ХМА Табиий фанлар бўлими бошлиғи, б.ф.д.

Болтаева У.И. ХМА, Аниқ фанлар бўлими бошлиғи ф-м.ф.д.

Зарипова Р.А. ХМА АРМ директори, бошланғич касаба уюшма раиси

Мадаминов М.Э. Хоразм тарихи ва маданияти музей директори

Жуманиёзова М.Э. кадрлар бўлими бошлиғи

Маткаримов П.М. ХМА бош ҳисобчиси

Ражабов З.П. ХМА катта илмий ходими, к.х.ф.ф.д

Абдурахимов У.Қ. ХМА катта илмий ходими, б.ф.ф.д

Шунинг бошқа фан номзодлари ва докторантлари.